


# Тазкия дарслари (144-дарс).Роббингиз Аллоҳдир. Подшоҳлик Уникидир



17:00 / 10.07.2021 3850

Роббликда ширк келтириш

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

أَدْحًا إِنَّ رَبَّكَ لَكُرْشٌ نَّوَّابٌ وَأَنْتَ أَفْرَاسُورٌ لَّيْلِي ذَهَبِي

«...ва ўз Роббимизга ҳеч кимни ширк келтирмасмиз», деб мараҳамат қилган. (Жин сураси, 2-оят).

Аллоҳ таолонинг хотини ёки боласи бор деганлар Роббил оламинга ширк келтирганлардир. Шунингдек, «Аллоҳдан бошқа биров бандалар қудратида бўлмаган нарсани беради», деб эътиқод қилиш ҳам роббликда ширк келтириш ҳисобланади.

Аллоҳ таолонинг рубубиятида ширк келтириш ибодат ва улуҳиятда ҳам ширк келтиришга олиб боради.

Ҳукмда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

أَمْ عَمْدٍ سَأَوْا وَرَبُّ رَحْمَنٌ أَمْ لَكُمْ آلِهَةٌ مِثْلَ آلِهَةِ اللَّهِ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ  
أَمْ لَكُمْ آلِهَةٌ مِثْلَ آلِهَةِ اللَّهِ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

**Уларга Ундан ўзга валий йўқдир. Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас», дейилган**  
*.(Каҳф сураси, 26-оят)*

Яъни, оятда сўз юритилаётган Каҳф (ғор) эгалари учун ҳам, улардан бошқалар учун ҳам Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган валий (дўст) йўқ ва улар ҳақида хоҳлаган ҳукмини қиладиган ҳоким ҳам йўқ.

Бас, Аллоҳ таоло уларга ишларида тўғрилиқни муҳайё қилиб қўйди. Уларга Ўз ҳузуридан раҳматни берди ва қулоқларини бир неча йилгача эшитмайдиган қилиб қўйди. Аллоҳ уларнинг қалбини маҳкам боғлаб, ҳидоятларини зиёда қилди ва Ўз раҳматини сочиб қўйди. Уларга ишларида юмшоқликни муҳайё қилди. Уларга уйқуларида ҳам манфаат оладиган нарсани тайёрлаб берди.

Аллоҳ таоло уларни ўннга, чапга ағдариб турар эди. Уларга қуёшни хизматкор қилиб қўйди. Қуёш ғорнинг ўнг ва чап томонидан айланиб ўтар эди.

Сўнгра Аллоҳ таоло уларни уйқуларидан уйғотди. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соати келишида шубҳа йўқлигини билдириш учун одамларни уларнинг ҳолидан хабардор қилди.

Улар Аллоҳ таолонинг ҳукмларига ва уларга берган ёрдамига ҳеч кимни шерик қилмадилар.

Албатта, Аллоҳ таоло Ўз ҳукмларида ҳеч кимни шерик қилмайди:

أَمْ لَكُمْ آلِهَةٌ مِثْلَ آلِهَةِ اللَّهِ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ  
أَمْ لَكُمْ آلِهَةٌ مِثْلَ آلِهَةِ اللَّهِ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ  
أَمْ لَكُمْ آلِهَةٌ مِثْلَ آلِهَةِ اللَّهِ لَوْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ

**«Хукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди» (Юсуф сураси, 40-оят).**

Демак, ҳукмдорлик ҳам, ибодат ҳам холис Аллоҳнинг Ўзига бўлиши, бошқага ибодат қилинмаслиги тўғри дин саналади.

Мулк ва султондаги ширк келтириш

Қуръони Каримда:

**مَلَوْكُمْ لِمَالِكٍ كَيْرَ شُؤْلَ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ وَأَدَلُّوْا ذِي دَلَالَةٍ لِّدَمْحَالِكٍ قَوْلٍ  
أَرِيْبُكُمْ تُوْرَبَّكُمْ لِّدَلَالِكُمْ لِيْلَوْهُ نُنْكَيْ**

**«Сен: «Фарзанд тутмаган, мулкда шериги бўлмаган ва хорликдан қутқарувчи дўстга зор бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дегин», дейилган (Исро сураси, 111-оят).**

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига бирон бир махлуқотга ўхшамаган ва султонлигида ҳеч бир шериги бўлмаган Аллоҳга ҳамд айтишни амр қилмоқда. У борлиқдаги нарсаларнинг молики – эгасидир. Чунки мулк Унинг қўлидадир. У Зот ҳар бир нарсага қодирдир. Барча нарсаларнинг эгаллиги Унинг қўлидадир. Осмонлару ернинг мулки ҳам Унга хосдир.

**يَفِيْعُ رَدَّ لِقَوْلِهِمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ أَلَّ لَلَّ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ عَزَّ نُنْكَيْ دَلَّ لِقَوْلِهِمْ  
رِيْهِمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ هَلَّ مَلَوْكُمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ هَلَّ مَلَوْكُمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ**

**«Сен: «Аллоҳдан ўзга гумон қилганларингизга дуо қилаверинглар!» деб айт. Улар осмонлару ерда зарра вазнидаги нарсага ҳам молик эмаслар. Уларга бу(икки)ларида шериклик ҳам йўқ. Ва У Зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ» (Сабаъ сураси, 22-оят).**

Яъни, «Сиз валийлар – дўсту ёрдамчилар деб гумон қилиб, Аллоҳга шерик қилаётган, ҳожатингиз тушганда илтижо қилаётган «худо»ларингизнинг зарра миқдорича ҳам мустақил эгаллиги йўқдир. Улар бу нарсаларда шерик ҳам эмаслар. Аллоҳга бирор нарсада ёрдам ҳам бера олмайдилар. Нима учун уларга илтижо қиласизлар ва нима учун уларга ибодат қиласизлар?!»

**سَمَّ شَلَّ رَحَّ سَوَّ لِيْلَلَّ يَفِيْعُ رَدَّ لِقَوْلِهِمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ أَلَّ لَلَّ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ  
رِيْهِمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ هَلَّ مَلَوْكُمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ هَلَّ مَلَوْكُمْ نُنْكَيْ مَلَوْكُمْ**

**«Ана ўша Роббингиз Аллоҳдир. Подшоҳлик Уникидир. Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар» (Фотир сураси, 13-оят).**

Бундан олдинги оятда Аллоҳ таоло кеча-кундузнинг низоми, қуёш ва ойнинг низоми ҳамда уларнинг жараёни Ўз қўлида эканини исбот қилган.

Ушбу оятда эса бутун мулк Ўзигагина тегишли эканини таъкидламоқда: «Ана ўша Роббингиз Аллоҳдир. Подшоҳлик Уникидир».

Агар мулк Унинг махлуқларидан бирортасида бўлганида, кечаю кундузнинг низоми ҳозирги ҳолидан бошқача бўлар эди. Қуёш ва ойнинг ҳаракати ҳам, уларнинг чиқиши ва ботиши ҳам биз кўриб турганимиздан ўзгача бўларди.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**